

ХУСОМИДДИН БУХОРИЙНИНГ “КИТОБ АЛ-ВАҚФ” АСАРИ

Р.М.Кенжабоева

Исломшунослик фанлари бўйича

фалсафа доктори (PhD)

Мовароуннаҳрда вақф масаласи бошқа фикҳий масалалардан алоҳида ажратиб таълиф этилган муҳим манбалардан бири Хусомиддин Умар ибн Абдулазиз ибн Моза Бухорий (х. 483-536) қаламига мансуб “Вақф”¹ (كتاب الوقف) китобидир. Хусомиддин Бухорий “Ҳидоя” асари муаллифи Бурҳониддин Марғинонийнинг устозларидан бири бўлган. Муаллифнинг Хассоф қаламига мансуб “Қозининг одоби” (أدب القضاة) асарига ёзган шарҳи, катта ва кичик “Фатволар” (الفتاوى الصغرى والكبرى) китоблари, Шайбоний қаламига мансуб катта “Мажмуа” (الجامع الكبير) ва кичик “Мажмуа”(الجامع الصغير) китобларига ёзган учта шарҳи машҳурдир.

Хусомиддин Бухорий қаламига мансуб “Вақф китоби” (كتاب الوقف)нинг биз ўз тадқиқотимизда фойдаланган нусхаси Абдуллоҳ Назир Аҳмад Музо томонидан тадқиқ этилгандир. Китобда баён қилинган мавзулардан айримлари вақфга далолат қилувчи лафзлар, вақф мулкчилиги масаласи, вақф хужжатида мулкни вақф қилганини қайд этиб камбағалларга эканини таъкидламаган бўлса, қандай йўл тутилиши, ерини вақф қилиб, таъмир ва яхшилаш эҳтиёжи шу ер даромадидан қопланишини шарт қўйиш, вақфни ўзи учун ишлатиш, мулкнинг бир қисмини ўғлига ва унинг ўғлига, ўғлига ва унинг авлодларига вақф қилиш билан боғлиқ масалалар, муайян муддатга боғлаб вақф қилиш, мутаваллилик, гувоҳлик, вақфга вақф қилувчининг ўзи гувоҳлик қилиши, қариндошларига вақф қилиб улардан камбағалларига бериб бойларига бермасликни шарт қўйиш, сотиш ва алмаштиришни шарт қўйиш, касаллик вақтида вақф қилиш, соғлик вақтида мулкни фақирларга вақф қилиши, ўзининг қариндошлари орасида эса камбағалларнинг бўлиши, бой қариндоши ва унинг камбағал фарзанди бўлган киши мулкни камбағалларга вақф қилганида қандай йўл тутилиши, мевали хурмо дарахтлари бўлган ерини вақф қилиш билан боғлиқ масалалардир. Ушбу китоб тадқиқоти ҳам юртимизда вақф мавзусида амалга оширилаётган тадқиқотларни янада бойитишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

¹ Хусомиддин Умар ибн Абдулазиз ибн Моза Бухорий. Китоб ал-вақф. - Байрут: Райён, 2014.

